«УНИВЕРСИАДА — 2000»

# СПОРТ, ЁШЛИК, ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ

## ҒУРУР


Стол тенниси ғолиби Руслан ШУШЕРОВ

Республикамизда илк бор ўтказилаётган универсиада мусобақалари талаба ёшлар ҳаётида ёрқин из қолдирди, десак асло хато бўлмайди. Энг асосийси Ўзбекистоннинг барча талабалари ғайрат шижоат кўрсатишди. Ёшлик, дўстлик, спорт байрамини кенг нишонлашди. Бундай шодиёналар эса ҳар куни ҳам бўлавермайди. Катта қувончлар билан ўтган универсиада сабаб ёшларимиз яна спортнинг гўзал оламига кириб бордилар. Жисмонан соғлом авлоднинг қурбу қодирлигини англаб етадилар.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон довруғини дунё бўйлаб таратишда томирида Алпомиш қони гупираётган азамат йигитларимиздан, Тўмарисдек чапдаст, моҳир қизларимиздан миллатнинг умиди катта. Азалдан, оилада фарзанд дунёга келса, халқнинг ори, ғурури бўлсин деб дуо қиладилар. Аждодлари кураги ерга тегмаган мағрур полвон бўлган бу юртнинг бугунги ворисларига ҳар қанча ишонч билдирса арзийди. Улар бунга жиҳатдан муносибдирлар.


Кумуш медал соҳиби Нилуфар СОТВОЛДИЕВА

Шу йилнинг 28 май куни . "Универсиада-2000" низомига киритилган спорт мусобақаларининг сўнгги ўйинлари бўлиб ўтди. Бу мусобақада бир сўз билан айтганда, Ватан чорловига шай турган йигит қизларнинг нафақат жисмоний, балки маънавий камолотини юксакка кўтарувчи, иқтидорини дунёга кўз-кўз қилиб, нималарга қодирлигини кўрсатувчи омил сифатида ёш спортчиларнинг иродасини тоблади. У юрагида ўти бор ёшлар орасидан чемпионликка лойиқ йигит-қизларни кашф этди.

## ҒОЛИБЛИК ШОҲСУПАСИДА

Ва ниҳоят, Намангандаги универсиадага якун ясалди. Ҳаяжонли лаҳзалар, ғолиблик шоҳсупаси кимга насиб этаркин? Шиддат билан ўтган баҳсларда кўп медални Наманган вилоят вакиллари қўлга киритишди. Стол тенниси беллашувларида ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Севара Қодирова ғолибликни қўлга киритган бўлса, фарғонача курашда Довудхон Баҳодиров, Григорий Ступсков, Шуҳрат Бозоровлар рақиблари курагини ерга теккизиб, олтин медал соҳиби бўлишди.

Енгил атлетика бўйича Екатерина Кремлёва, халқаро курашда Аюб Камолов ва бошқа кўплаб маҳоратли ёшларнинг чиқишлари спорт ишқибозларининг олқишига сазовор бўлди. Биргина енгил атлетика мусобақаларида тошкентликлар 8 та олтин медалга эга бўлди. "Тошкент-1" жамоасининг спортнинг бошқа турлари бўйича эришган натижалари ҳам таҳсинга сазовор. Сўнгги сарҳисобга кўра, умумжамоа ҳисобида наманганликлар биринчи, "Тошкент-1" жамоаси иккинчи, самарқандликлар учинчи ўринни эгаллаб, "Универсиада -2000"нинг ғолиблик шоҳсупасига кўтарилишди.

## ЗАФАР МУБОРАК, ЧЕМПИОН!

Ва ниҳоят, "Универсиада-2000" мусобақаларига якун ясалди. Тантанада универсиада ғолибларига Юртбошимизнинг махсус совғалари — "Тико" автомобиллари топширилди. Куч, маҳорат, чаққонликда етук бўлган, бу мардлар майдонда ўз кучини кўрсата олган 15 нафар талаба майдондан юксак мукофот — енгил автомобилларни миниб чиқиб кетди.

## СЎНГГИ ЎЙЛАР…

Республика талаба ёшларининг биринчи универсиадаси ниҳоясига етди. Универсиада режалаштирилгандан ҳам юқори даражада ўтгани ёшларни руҳлантириб юборди. Майдонда кексаю ёшнинг қалбида ғурур, юрагида ифтихор ҳислари жўш урганини шундоқ юз-кўзидан осонгина пайқаса бўлади. Бугунги ёшлар ҳаётнинг яна бир жисмоний ва маънавий камолот синовидан муваффақиятли ўтди. Демак, уларга берилган чемпионлик нишонига спортни севган, уни ардоқлаганлар ҳеч қачон доғ туширмайди. Зеро, улар қайси соҳада бўлмасин, спорт уларга ҳамиша ҳамроҳ бўлиб қолади. Ғолиблик муборак, тенгдошим!


Ғолиба Луиза БИКТЯКОВА

***Сўнгги маълумот:*** Навбатдаги "Универсиада-2000" анжумани Бухоро шаҳрида ўтказилади.

**Фазилат МАЪМУРОВА:**

— Мамлакатимизда илк ўтказилган талабалар универсиадаси спортга бўлган қизиқишимизни янада орттирди. Спортнинг фойдали томонлари жуда кўп. У инсонни авваламбор соғлом, тетик бўлишини таъминлайди. Бинобарин, келажак соғлом, баркамол авлодга таянади. Шундай экан, бугунги кунда мамлакатимизда спортга қаратилаётган эътибор биз ёшларни эзгуликка, яхшиликка етаклайди.

***Гулноза СОБИРОВА, Тошкент шаҳар Сирғали тумани:***

— Спорт майдонида мардлар синалади. Ватан обрўсини, шуҳратини янада юксалтириш учун майдонга тушган тенгдошларимни ғолиблик шоҳсупасида кўриб, қалбим ифтихорга тўлди. Гўзал ватанимизда ана шундай талабаларни кашф этилиши бизни нафақат спортда, балки бошқа соҳаларда ҳам шижоатга чорлайди. Тенгдошларимизнинг қувончи бизнинг ҳам қувончимиз. Улар элимизнинг фахри, ёш авлодларнинг етакчиси бўлиб қолади.

**Музаффар ШАМСИТДИНОВ, талаба:**

— Универсиаданинг туғилган шаҳрим — Наманганда ўтказилганлигидан фахрланаман. Чунки илк бор ўтказилаётган бу спорт мусобақаси тарихга зарҳал ҳарфлар билан ёзилади. Энг асосийси, бу универсиада ёшларни бирлаштирди. Дўстлик деб аталган ришта турли вилоят ёшларини бир-бирига боғлади. Бу бизнинг келажакка олға қадам ташлашимиз. Эртага бутун дунё миллатлари байроғи ёнида Ўзбекистонимизнинг байроғи ҳилпирайди. Ватан обрўйини ҳимоя қилаётган тенгдошларим байроғимизни ҳеч қачон туширмайди. Чунки, бу миллат шунга муносиб. Унинг довруғини спорт орқали бутун дунёга ёйишимиз мумкин.

***Сайфулло ТОҒАЕВ:***

— Мамлакатимизда спортга кенг йўл очилаётгани ҳамма қатори мени ҳам қувонтирди. Ҳаракат қилса, ҳамма нарсага эришиш мумкин, деган фикрга ишондим. Спортчи йигит ва қизларни кўриб, менинг қалбимда мардлик, жасурлик туйғулари жўш урди.

Юртбошимиз томонидан ғолибларни қўллаб-қувватланиши кучимизга куч қўшди. Ўйлайманки, бу мусобақа нафақат олий ўқув юртлари ўртасида, балки мактабларда, қишлоқларда ҳам кенг тарзда ўтказилади.

**"Туркистон" мухбирлари Лайло КАРИМОВА, Зиёда АШУРОВА тайёрлади**


Совриндор дугоналар

# «КИЧИК ОЛИМПИАДА» ТААССУРОТЛАРИ

Оппоқ "Нексия" елади. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан таниқли шоир Азим Суюн ва мен Наманганга боряпмиз. Президентимизнинг "Универсиада-2000" спорт анжумани қатнашчиларига йўллаган табригини ўқийман:

***"Азиз фарзандларим!***

***Барчангизни мамлакатимиз талаба-ёшлари ҳаётидаги муҳим воқеа — камолот, гўзаллик ва спорт байрами билан чин қалбимдан табриклайман..."***

Равон йўлдан қушдай учиб бораётган машина ойнасига қуёшнинг иссиқ нурлари урилди. Мен Юртбошимизнинг мамлакатимиз ёшларига чин юракдан изҳор этган меҳрларини қуёшнинг ана шу иссиқ нурларига ўхшатдим. Озод ва обод Ватанимиз келажагини ёритиб турган бу меҳр нурлари менинг ҳам юрагимни ёндириб юборди...

Мана, Қамчиқ довони...

— **Азим ака, бу довон нима учун Қамчиқ деб аталади?**

— Илгари бу тоғда дара оралаб ўтадиган кичкинагина йўл бўлган. Тоғнинг ана шу камайган жойи "Қамчиқ" дейилган. Тилимизда "камар" деган сўз бор-ку, "қамчиқ" ҳам ўша маънони билдиради. Эътибор беринг-а, кам-чиқ: "қам" дегани "кам", "чиқ" эса кичрайиш қўшимчасидир. "Чирчиқ" дарёси номида ҳам ана шундай маъно бор. "Чирчиқ" аслида "Сирчиқ" сўзидан олинган. "Сирчиқ" Сирдарёнинг кичик ирмоғи деган маънони билдиради.

Бу сўзларни мен хаёлан тилимдаги бошқа сўзлар билан солиштирдим: "Қопчиқ", "Чуғурчиқ", "Қорачиқ"...

Ҳаммаси ҳам қадимий сўзлар. Кейинчалик бироз кенгайтирилган ана шу кичкина йўлдан автомашиналар қатнай бошлаган. Бироқ ўшанда бу довондан юриш жуда хавфли эди. Мустақиллик туфайли, шахсан Президентимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари билан довонда мисли кўрилмаган улкан қурилиш бошланди. Қисқа фурсатда Қамчиқ довони Фарғона водийсини пойтахтимиз билан туташтирувчи кенг ва катта йўлга айлантирилди.

Йўл яхши бўлгани учун ҳатто тоғда ҳам машина билан ўқдай учиб кетяпмиз. Довоннинг асосий қисми кенгайтирилган. Катта йўл ўртадан бетон деворлар билан иккига ажратилган. Бу машиналарнинг эмин-эркин бир томонлама ҳаракатини таъминлайди. Энди рўпарангизда машина чиқиб қолишидан чўчимайсиз. Машинангиз зўр бўлса, олдингизда кетаётган машинани бемалол қувиб ўтишингиз мумкин. Бу йўлда ҳатто юк машиналари ҳам қушдай учади. Ҳадемай тоғни тешиб ўтадиган ер ости йўли ҳам ишга туширилади...

Улкан тоғлардан ошиб ўтадиган бундай йўлни фақат қудратли давлат қура олади.

Қамчиқ довони озод ва обод юртимизнинг буюклигини кўрсатувчи тимсоллардан биридир.

Универсиадада қатнашаётган талаба-ёшлар ҳам Наманганга кетаётиб, мана шу Қамчиқ довонидан ўтишган. Ҳали улар жаҳон спортининг энг баланд чўққиларига Ўзбекистон байроғини қадайдилар. Уларни ана шу баланд чўққиларга элтувчи йўл Қамчиқ довонидан бошланган бўлса не ажаб...

Чунки бугун мамлакатимизда спортга катта эътибор берилмоқда. Бу бежиз эмас. Президентимиз айтганларидек, ***"Ватан, халқ шуҳратини дунёга тараннум этишда спортнинг ўрни беқиёсдир... Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга етишишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайди, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади..."***

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда халқаро миқёсдаги спорт анжуманлари ўтказилмоқда. Наманган универсиадаси эса ёшларимизнинг олимпиадага тайёргарлик машқларидир. Шунинг учун ҳам кўпчилик уни кичик олимпиада дея атади.

Наманган универсиада қатнашчиларини катта тайёргарлик билан қарши олди. Шаҳар ёшлик, гўзаллик ва камолот байрамига мос либослар — ранг-баранг гуллар, ранг-баранг ранглар билан безаниб, келинчакдек саломга чиқди.

Биз Наманганда универсиада қатнашчиларига шеърлар ўқиб бердик. Мушоира қилдик. Бу учрашув бизнинг шууримизни унутилмас таассуротлар билан бойитди.

Универсиада тугади. Ғолиблар аниқланди. Барча Намангандаги нафосатга тан берди. Бу байрам дўстлик, бирлик ва ҳамжиҳатлик айёми сифатида ҳамманинг ёдида қолди. **Ёшлар бу анжумандан Ватанни севиш, Ватанни улуғлаш ва мустақиллик ғояларига садоқат сабоқларини олдилар.** Энди бунинг самаралари баракали бўлиши муқаррар.

**Рустам МУСУРМОН**

